Келинг, шу ўринда Оролбўйида чорвачиликни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар ва уларнинг самаралари ҳақида тегишли мутасаддиларнинг фикрларига эътибор қаратсанг.

Кўчқорбой ПИРНАЗАРОВ, Қорақалпоғистон Республикаси «Чорва насл» маркази раҳбари:

— Тахтакўпир туманида қоракўлчиликка ихтисослаштирилган наслилик илмий станция бунёд этилди. У ер мингга яқин насли қоракўл қўйлар билан таъминланди.

Ҳўжайли туманида эса моллар уруғлантириладиган ҳамда мол уруғи тайёрланадиган биофабрика ташкил этилди. Унинг маҳсулотлари нафақат Қорақалпоғистонга, балки бошқа вилоятларга ҳам етказиб берилди.

Махмуд ҚАЙПАНОВ, Бўзотов тумани ҳокими:

— Президентимизнинг ўтган йил ноябрь ойидаги қарорига биноан, туманимизда 54 миллиард сўмликдан зиёд 46 та лойиҳа амалга оширилиши белгилаб олинган эди. Бугунгача 10 миллиард сўмдан кўп кредит ўзлаштирилиб, 4500 гектар ер ажратилди.

Айни пайтда умумтаълим асосида, яъни «Бўзотов симментал», «Агро бизнес Бўзотов», «Чистое белое золото» масъулияти чекланган жамиятлари негизда замонавий чорва комплекслари бунёд этилмоқда.

Четдан 2575 бош, шу жумладан, 1845 бош қорамол ва 730 бош қўй-эчки келтирилиши кўзда тутилган. Бу билан қорамолчилик, қўй-эчкичилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ҳамда сутни қайта ишлаш тармоқлари ривожлантирилади.

Умрбой УСНАТДИНОВ, Нукус тумани ҳокими:

— Президентимизнинг қарори қорақалпоғистонлик соҳа вакилларини янада қувонтирди. Буни туманимиздаги беш нафар тадбиркор томонидан четдан 800 бошдан кўп насли қорамол олиб келиниши белгиланган бўлса, бугунгача тўрт нафар тадбиркор томонидан 400 бош қорамол олиб келиш таклифи билдирилгани фикримиз тасдиғидир. Йил охиригача туманга 1200 бошдан кўп қорамол келтирилади.

«Халқ сўзи».

МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШДА

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ҲАМ ФАОЛ ҚАТНАШИШИ ЗАРУР

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева Сирдарё вилоятининг Боёвут туманида бўлиб, туман Кенгаши депутатлари, доимий комиссиялар раҳбарлари ва аъзолари, тегишли идоралар масъуллари ҳамда фаоллар билан учрашди. Унда аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда камбағалликни қисқартириш борасида амалга оширилаётган тадбирлар атрофида муҳокама қилинди.

Олий Мажлис Сенати

Ўз навбатида, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 июндаги “2020-2021 йилларда Сирдарё вилоятининг Боёвут туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган дастур доирасида олиб борилаётган ишларга эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, ҳудудда аҳолини, шу жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш, жами ҳўжаликларга нисбатан 11,5 фоизни ташкил этадиган камбағал оилаларни хар томонлама ҳимоялаш ҳамда иш билан таъминлаш бўйича муайян саъй-ҳаракатлар рўйбга чиқарилган. Ҳўш, бу борада маҳаллий Кенгаш депутатларининг ўрни қандай бўлиши керак? Учрашувда шу масала ҳам кўриб чиқилди.

— Сирдарё ахли, ҳусусан, боёвутликлар меҳнатшак халқ, — деди Олий Мажлис Сенати Раиси. — Тан олиш керак, туманда анча йиллар мобайнида муаммолар йиғилиб қолган. Таълим, соғлиқни сақлаш, спорт ва ижтимоий ҳимоя каби бир қатор йўналишларда ўз ечимини кўтиб турган масалалар мавжуд. Шу жиҳатдан аҳолининг турмуш тарзини янада яхшилашга устувор аҳамият қаратилмоқда. Бу жараёнда маҳаллий Кен-

сақлаш муассасаси таъмирланиб, туман тиббиёт бирлашмаси 5 турдаги замонавий тиббиёт жиҳозлари билан таъминланади ва 5 та маданий объект қурилади.

Олий Мажлис Сенати Раиси Боёвут туманига ташрифи доирасида бир қатор объектларда бўлиб, янги лойиҳалар билан танишди. Жумладан, туманда мавжуд бўлган авария ҳолатидаги уйлارни кўздан кечирди. Маданият ҳамда Ўхшодкор маҳаллаларида жойлашган 5 та кўп қаватли уй 1960 — 1970 йиллари қурилган бўлиб, бугунги кунда чўккан ва яроқсиз ҳолатга келиб қолган.

Сенат Раиси ҳудуд аҳолиси билан мулоқотда уларни қийнаб келаётган бўлиб, бугунги кунда чўккан ва яроқсиз ҳолатга келиб қолган. Сенат Раиси ҳудуд аҳолиси билан мулоқотда уларни қийнаб келаётган бўлиб, бугунги кунда чўккан ва яроқсиз ҳолатга келиб қолган. Сенат Раиси ҳудуд аҳолиси билан мулоқотда уларни қийнаб келаётган бўлиб, бугунги кунда чўккан ва яроқсиз ҳолатга келиб қолган.

Шунингдек, учрашувда дастур доирасида 2020-2021 йилларда ҳаётга татбиқ этилиши режалаштирилган, қиймати 500 миллион сўмликдан ортиқ 50 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш натижасида 2632 та янги иш ўрни яратилиши кўтилаётгани алоҳида айтиб ўтилди. Ҳусусан, 5 та МТМ, 4 та умумтаълим мактаби реконструкция қилинади, 2 та соғлиқни

ларни янада жаддалаштириш, савдо ва кўнгличор масканлар қуриш, китоб дўконлари фаолиятини йўлга қўйиш юзасидан мутасаддиларга кўрсатмалар бериб, бу жараёнга масъулият билан ёндашиш зарурлигини таъкидлади.

Экин майдонлари мелиоратив ҳолатини яхшилаш, суғориш объектлари ҳамда коммуникация тизимини яхшилаш чораларини кўриш ташриф давомида ўрганилган муҳим масалалардан яна биридир. Шу мақсадда “Боёвут техно кластер” МЧЖ томонидан амалга оширилган ишлар билан танишилди. Ушбу кластерга 10 минг 500 гектар ер майдони пахта хом ашёси етиштириш учун ажратиб берилган бўлиб, ҳозир бу ерда қурилиш ишлари бошлаб юборилган. Ҳориждан 90 та контейнерда 14 миллион долларлик замонавий асбоб-ускуна келтирилди.

— Корхонамиз томонидан 2023 йилларда қатор лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш режалаштирилган, — деди “Боёвут техно кластер” МЧЖ директори Ш. Комилов. — Яъни 40 минг тонна қувватга эга бўлган пахта тозалаш корхонасини сотиб олиш ва уни 2020 йилнинг 3-чораги якунигача капитал таъмирлаш, 20 миллион долларлик инвестиция асосида ип-йигирув фабрикасини йил охиригача фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Бу орқали 800 та иш

ўрни яратилади. Қолаверса, 15 минг тонна қувватга эга бўлган чигитни қайта ишлаш заводини 2022 йил 3-чораги якунига қадар ишга тушириш, бу орқали 100 нафар аҳоли бандлигини таъминлашни ҳам мақсад қилганмиз. Корхонамизни электр энергияси билан таъминлаш муаммо бўлиб турганди. Шу масала бўйича Сенат Раисига мурожаат этдик ва у ижобий ҳал қилинадиган бўлди.

“Стелла мода” МЧЖ тикувчилик фабрикаси томонидан тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лойиҳаси ҳам кўздан кечирилди. Эътиборлиси, ушбу лойиҳани амалга ошириш орқали 400 та янги иш ўрни яратилади, натижада кўпбал хотин-қизларнинг бандлиги таъминланади. Ҳозир бу ерда қурилиш-таъмирлаш ишлари жаддалик билан давом эттирилмоқда.

— Бу корхонага 4 миллиард сўмлик инвестиция киритдик, — деди “Стелла мода” МЧЖ раҳбари Ж. Сувонов. — Мақсадимиз, ҳудуд аҳолиси бандлигини таъминлаш. Яъни бу орқали 400 — 500 нафар хотин-қиз ишга жойлашади. Қолаверса, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятига ҳиссамизни қўшмоқчимиз. Биз, асосан, тикувчилик маҳсулотларини ишлаб чиқарамиз ва уларни Италия, Россия, Чехия, Беларусь ҳамда Қозғистонга экспорт қиламиз. Сенат Раиси биздаги иш жараёни билан танишиб, ўз фикрларини билдирди. Фурсатдан фойдаланиб, ҚҚС қайтарилиши мўддати чўзилгани масаласида амалий ёрдам сўрадик ва бу ижобий ҳал қилинадиган бўлди.

«Халқ сўзи».



СУБСИДИЯЛАР ҲАҚИҚИЙ МУҲТОЖЛАРГА ЕТИБ БОРИШИ КЕРАК

Халқимиз азалдан ерни эъозлаб, унинг ҳар қаричидан унумли фойдаланиб келган. Деҳқонларимиз томонидан етиштирилган маҳсулотлар довриги етти иқлимга етгани ҳам бор гап. Қувонарлиси, бу каби ишлар ҳозирги кунда ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Депутат фикри

Бугун кўпчилик ўз томорқасидан бир йилда бир неча бор ҳосил йиғиштириб оляпти. Бинобарин, пандемия туфайли юртимизда эълон қилинган карантин вақтида аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган бичмачи талабни қондириш, икки бор зорда нарх-наво ошиб кетмаслиги кўп жиҳатдан томорқалардан қанчалик оқилона фойдаланишимиз, омилкорлигимизга боғлиқ. Шу маънода, Президентимизнинг “Аҳоли томорқаларидан фойдаланиш самардорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори жуда кўп томорқачиларни қийнаб келатган муаммоларга ечим топиб беради, десак, айни ҳақиқатдир. Чунки унда аҳоли томорқаларига қафолатланган кўчат ва уруғларни тизимли етказиб беришни ташкил этиш, тижорат банклари билан биргаликда уч ой имтиёзли давр билан бир йил муддатга 4 фоиз банк маржасини ҳисобга олган ҳолда, 2 миллион сўмгача Оилавий тадбиркорлик маркази ҳулуосаси on-line тарзда томорқар эгаларига микрокредитлар ажратилиши механизмининг жорий этиш тартиблари белгиланди.

“Қаловини топса, қор ҳам ёнади”, дейишди. Чиндан ҳам, ечимни қийин ёки узоққа чўзилмаган муаммони айтиб, ўзини ўзи овутишни натижа чиқмайди. Аксинча, бор имкониятга қараб ҳаракат қилиш зарур. Ҳозирги вақтларда камбағал оилаларга берилаётган ер майдонлари, айтиш мумкин, ризқ-рўз гаровига айланмоқда. Лекин ана шу ерлардан ҳамма ҳам оқилона фойдаланяпти, дея олмаймиз. Масалан, Фарғона туманида 3 та маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуддаги тадбиркорларга малакани ҳам ва анорчилик билан шугулланишлари учун ер ажратилган. Лекин бу ерлардан ҳосил олиш учун, ҳеч бўлмаганда, 3 та суғориш кудуги қазиб зарур. Умуман, тумандаги яна 20 та маҳалла фуқаролар йиғинида томорқалардан фойдаланишда аҳоли сува танқислигидан қийналмоқда.

Бундай ҳудудлардаги муаммолар ҳолатларини бартараф этиш, аҳолига имкон қадар ердан кўрсатиш Президент қарориде алоҳида эътиборга олинган. Ҳусусан, Инқирозга қарши курашиш жағфармасидан каммида 30 та аҳоли томорқаларини суғориш учун ер ости сувларига кудукларни бурғилаш харажатларининг 70 фоизини, бироқ 120 миллион сўмдан ошмайдиغان қисмини қоплашга субсидия ажратилиши белгиланди.

Бу имконият ва енгилликлардан адолатли, самарали фойдаланилганди? Биз, депутатлар шу саволни ўзимизга бериш билан чекланмасдан, қизгин, баҳсли, тортишувли жараёнини ичига киритишимиз керак. Чунки субсидия ҳақиқий муҳтожларга бермаслик ёки адолатсиз тақсимлаш, бўлиб олиш ҳолатлари кузатилиши мумкин. Бундай салбий ҳолат юзгага келмаслиги учун маъмулиятни ҳис қилиб, жараёнга жиддий эътибор қаратишимиз зарур.

Дилбар МАМАХОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Жаҳон банки Ўзбекистон иқтисодиётини юқори баҳолади

Яқинда Жаҳон банки томонидан эълон қилинган ҳисоботда бу йилги мураккаб шароитда ҳам Ўзбекистон иқтисодиёти 1,5 фоиз ўсиши прогнози қилинди. Бу юртимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан олиб борилаётган тизимли ва узвий ислохотларнинг эътирофи, десак, айни ҳақиқат.

Эътироф

Ҳеч кимга сир эмас, коронавирус пандемияси барча давлатлар иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатмоқда. Халқаро миқёсда талабнинг кескин пасайиши натижасида хом ашё товарлари ҳамда хизматлар нархлари тушиб кетди, таъминотда узилишлар вужудга келди, молиявий бозорларда рисклар қабул қилинмай қолди. Глобал иқтисодиётда рецессия жараёнлари кучайиб, минтақадаги давлатлар валюталари нисбатан заифлиги боис жалб этилаётган қарзлар қийматининг кескин ортиши кузатилади. Экспортнинг кескин қамайиши эса тўлов балансинга “ортиқча юк”ни вужудга келтирди.

Кайд этиш жоиз, давлатимиз томонидан пандемиянинг аҳоли турмуш даражаси ва иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш масалаларига дастлабки босқичлардаёқ катта эътибор



қаратилди. Саноат корхоналари, тадбиркорлар ҳамда экспортёрларга аниқ ва самарали чоралар белгилаб берилди, иқтисодиётда ҳисоб-китоб қилинаётган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун захира яратилиш ҳамда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш — ҳукуматнинг асосий вазифаси сифатида белгиланди.

Бу борадаги ишларни самарали ташкил этиш мақсадида коронавирус пандемияси шароитида глобал инкнрозли ҳодисаларнинг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича Президент Фармони қабул қилинди. Унга асосан, 10 триллион сўм миқдордаги маблағга эга Инқирозга қарши курашиш жағфармаси тузилди. Коронавирус таъсири юқори бўлган иқтисодиёт тармоқларига солиқ таътиллари ва кредит қарзлари бўйича имтиёзлар бериш, бюджет сусулари ажратиш юза-

дан вазифалар белгиланди. Ҳокимларга иқтисодий қийинчиликка дуч келган корхоналардан маҳаллий солиқларни ундиришни 6 ойгача кечиктириш ваколати берилди. Шунингдек, яқна тартибдаги тадбиркорларнинг даромад солиғи, фермерларнинг сув солиғи 50 фоизга қамайтирилди. Бунда маҳаллий бюджетдаги йўқотишлар республика бюджетидан қоплаб берилиши кўзда тутилди.

Ишбилармонлик муҳитини сақлаб қолиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган бу каби ҳаракатлар ўз натижасини бермай қолмади. Буларнинг барчаси, пировардида Жаҳон банкининг эътирофига асос бўлди.

Одилжон ИМИНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси раиси ўринбосари.

ЧЕККА ҲУДУДЛАРДАГИ КАДРЛАР ЕТИШМОВЧИЛИгини ҚАНДАЙ ҲАЛ ЭТИШ МУМКИН?

Сайловчиларимизда бу саволга жавоб бўладиган таклифлар бор.

Сўнги кунларда олий таълим муассасаларига қабул жараёни асосий мавзулардан бирига айланди. Қандай қилиб онлайн ҳужжат топшириш керак? 5 та йўналиш қай тартибда танланади? Ҳўшининг сиртки, кечки турини танлашда нималарга эътибор берилди? Тест саволлари қай даражада соддалаштирилди? Шу каби саволлар муҳожамалар марказида бўлиб турибди. Эсласак, 4-5 йил олдин абитуриентлар ҳамда уларнинг ота-оналари кўпроқ бошқа жиҳатлар ҳақида бoш қўтиришарди: X-вариантни қаердан топиш мумкин, кимни “танка” қилса бўлади, қайси таълим муассасасига кириштишга пули етди ва шу каби қўнғир йўллар мавзуси оммалашган эди. Мана энди кеча ҳамда бугун муҳожима этилаётган мавзулар ўртасидаги фарқдан ушбу соҳада қилинган ўзгаришларнинг қамрови ва натижадорлигини билса бўлади.

Нуқтани назар

Ўзгаришлар ҳақида гап кетганда, қабул квоталари сонининг ошириб аёлтганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Мисол учун, олий таълим муассасалари 2016 йилда 57 907 нафар талабани қабул қилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 139 950 нафарни ташкил этади. Кўриб турганингиздек, ўтган 5 йил ичнда квоталар сонини 2,5 бараварга оширилди.

Энди ўз-ўзиндан бир неча савол туғилади: бу кўрсаткич иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ҳудудлар учун етарлими? Қабул квоталарини ошириш орқали чекка ҳудудлардаги мутахассисларга бўлган талабни қанчалик қондира оламиз? Бир неча вазирликлар ўртасида ҳокорликда шакллантирилаётган соҳалардаги кадрларга талаб бўйича тузилган квоталар сонини бугун қанчалик ўзини оқламақда? Келинг, буларга бир тўланим икки қишлоғи мисолида жавоб излашга ҳаракат қиламиз.

Миришкор турманнинг энг йирик аҳоли манзиллари саналган Помук ва Чандир қишлоқларида қарий 40 минг киши истиқомат қилади. Мазкур ҳудудда Помук шифохонаси ҳамда Чандир қишлоқ участка шифохонаси, 10 та умумий ўрта таълим мактаби бор. Аммо олий таълимий мутахассислар тақчиллиги натижасида ушбу тиббиёт муассасалари ҳамда

олишмаяпти. Афсуски, бу каби рақамлар ҳамда вазият фақат шу ҳудудгагина тегишли, дея олмаймиз. Мамлакатимизнинг истаган чекка ҳудуди аҳолисини шу муаммо қийнаб келмоқда.

Бунинг узоқ давом этишига яна бир сабаб бор. Яъни сифатли таълим ололмаган чекка ҳудуд аҳолиси олий таълимга кириш жараёнида сифатлироқ таълим олган марказларда ятовчи абитуриентларга рақобатда ютқазмоқда ва ўрта махсус маълумотли мутахассис бўлиб қолмоқда. Буларни ортада қолдириб, талабага айланган марказда ёки ўқитувчилар вакансияси йўқ ҳудудда ўқиган талабалар чекка қишлоқларга келиб ишлашни умуман хоҳлашмайди. Натижада квотани ҳар қанча кўпайтирган билан чекка ҳудудлардаги олий таълим муассасаларига бўлган талабни ҳеч қачон қондира олмаймиз. Кимё фанини ҳам физика ўқитувчиси ўтвучи мактаб ўқувчилари эса ўзларидан сифатлироқ таълим олган шерикларига ютқазаверишди.

Тўғри, яқинда давлат гранти асосида таълим олаётган битирувчиларнинг чекка ҳудудда 3 йил ишлаб бериш шартини бундан юмшатиш таклифи кўта-

мот жараёнларида коррупцион ҳолатларни (кимнидир рўйхатдан тушириб қолдириш, кимнидир яқинроқ ҳудудларга жўнатиш) келтириб чиқариши мумкин. Шу билан бирга, юқорида асосий эҳтиёж таълим ва тиббиёт муассасаларидаги вакансиялар ҳақида сўз юритилмоқда. Маълумки, бу йўналишдаги олий таълим муассасаларининг аксарият битирувчилари қизлар ҳисобланади. Аксарият ота-оналар қизини республикамизнинг чекка ҳудудда жўнатишга розилик бериши эса жуда қийин масала.

Амалиётдан келиб чиқиб айтилади бўлса, Помук ва Чандир қишлоқларида тиббиёт, педагогика йўналишларидаги кадрлар эҳтиёжини чеккадан қатнаб ишлайдиган мутахассислар ҳисобига қоплаш тажрибаси ўзини оқламайпти. Мавжуд қийинчиликларни рўқча қилиб, бир ёки икки йил ишлаган мутахассис ўзига қулай ҳудудларга кетиш қолмоқда. Демак, қабул квоталарини кўпайтириш ёки битирувчиларни чекка ҳудудларга жўнатиш муаммога ечим бўлолмайд.

Помук, Чандир қишлоқлари каби чекка ҳудудлардаги кадрлар етишмовчилигини қандай ҳал этиш мумкин? Аҳоли билан учрашувлар жараёнида сайловчиларимизнинг ўзлари бунга жавобини ҳам айтишди. Яъни ҳудуднинг ватанпарвар, ўз қишлоғи учун хизмат қилишни истайдиган мактабларда ва шифохоналарда кўп йиллардан буён ишлаб келаётган ўрта махсус таълим муассасалари ҳамда мактабларнинг битирувчиларига тегишли вазирликлар томонидан мақсадли квота ажратилса, олам гулистон. Шундан уларнинг хоҳловчилари қундуғи, хоҳловчилари ишдан ажралмаган ҳолда кечки, сиртки шаклда ўқиб ўз қишлоғи учун малакали кадрга айланар эди. Тўғри, ҳозир ҳам мақсадли қабул учун квоталар ажратилмоқда.

Аммо бундан етарли ёки мавжуд эҳтиёжни тўлиқ қондиради, деб айта олмаймиз. Мисол учун, Миришкор ту-

мани учун жорий йилда соғлиқни сақлаш йўналишида 9 та, педагогика соҳасида 23 та мақсадли квота ажратилган. Помук ва Чандир қишлоқлари каби 10 дан ортиқ қишлоқлари бор туманга ажратилган квота битта қишлоқнинг ҳам эҳтиёжини қондира олмайд.

Бу ерда масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Яъни иқтидори бўла туриб, таълим сифати пастлиги боис етарли билим ололмаган чекка ҳудудлар аҳолиси учун етарли таълим курсларини очиб лозим бўлади. Бу бир томондан ёшларнинг бўш вақтини илм олишга сарфлашига олиб келса, иккинчи тарафдан олий таълим муассасаси учун етарли базамга эга бўлади. Ҳудуд ҳудудларнинг ўзиде ташкил этилувчи бу курсларнинг яна бир афзаллиги молиявий имконияти ёки бошқа сабаб билан марказдаги репетиторларга қатнаб олмаётган ёшлар учун ҳам имконият яратилган бўлади.

Албатта, йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларни бир ёки икки йилда бартараф этилишини сўраш ҳам ноўрин. Аммо тегишли мутасаддилар “қабул квоталарини бунгача оширдик”, “бу йил шунча битирувчиға диплом берилик” каби рақамларга маҳлиё бўлавермасдан, чекка-чекка ҳудудларни ҳам олий таълим муассасалар билан таъминлаш чораларини кўриши лозим. Эеро, Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси қарерда яшайдиган қатъи назар, сифатли таълим ва тиббий хизмат олиш ҳуқуқига эга.

Мақсадли қабул квоталарини кўпайтириш орқали биз шунчаки битирувчиларни эмас, малакали кадрлар хизматига муҳтож бўлиб турган миллионлаб аҳолиимиз эҳтиёжларини қондирамиз ва натижада уларнинг ўз ҳаётидан, бугундан рози бўлиб яшашига ҳисса қўшамиз.

Маҳфизат ХУШВАҚТОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, «Адолат» СДП фракцияси аъзоси.

Янги Қонун МАҲКУМЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТИ

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларига амал қилинишини таъминлаш, ҳар бир шахсининг қадр-қийматини эъозлаш биз барпо этаётган очик, эркин ҳамда адолатли жамиятнинг ажралмас ҳусусияти ҳисобланади. Бундай принцип Бош Қомусимизда ҳам қатъий белгиланган.

“Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун ҳам, аввало, маҳкумларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари ва уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоялаш мақсадида қабул қилинди.

Мазкур Қонун билан амалдаги Жиноят-ижроия кодексининг бир қатор моддалари янгиликлар киритилди. Биринчидан, маҳкумларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини янада кенгайтириш мақсадида вояга етмаган маҳкумларнинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан учрашувларида чекловлар бекор қилинди.

Бу шахснинг тарбиясида ота-онанинг роли ниҳоятда аҳамиятли эканлиги билан боғлиқ. Қолаверса, вояга етмаган шахснинг қайтиб жиноят йўлига кирмаслиги ҳамда ахлоқан таълимида муҳим ҳисса қўйиладигани ҳисобланади.

Бундан ташқари, Қонунда маҳкума аёлларнинг вояга етмаган фарзандлари билан учрашувларининг алоҳида тартиби белгиланди. Жумладан, маҳкума ҳомилалар аёллар ва боласи бор аёллар учун қўшимча ҳуқуқлар киритилди. Яъни маҳкума аёлларга вояга етмаган болалари билан бир йил ичнда тўрт марта, муддати беш суткагача бўлган узоқ муддатли учрашув, манзилли калонияларда сақланаётганларга эса, муассаса ҳудудидан ташқарида яшаш имконияти билан узоқ муддатли учрашувлар чекланмаган миқдорда берилмоқда.

Иккинчидан, маҳкумларнинг жазо ўташи даврида адолатли мезонлар асосида рағбатлантириш чораларини қўллаш комиссиясининг иш фаолияти ва уларнинг аниқ вазифалари белгилаб берилди.

Яъни амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексининг 102-моддасида рағбатлантириш чораларини қўллаш тартиби белгиланмаган эди. Янги норма билан 102-модда рағбатлантириш мезони ва чоралари ҳамда 102-модда билан Рағбатлантириш чораларини қўллаш тартиби, деб тўлдирилиб, унда маҳкумларга нисбатан рағбатлантириш чораларини қўллаш ҳар йили каммида икки марта, шунингдек, байрам кунлари муносабати билан қўриб чиқилиши белгиланди.

Жазонинг ижро этиш муассасаларида тузилган комиссиянинг фаолияти ҳамда унинг таркибига кириши аниқ ёритиб берилди. Ҳусусан, комиссия таркиби жазонинг ижро этиш муассасасининг ходимлари, шунингдек, жамоатчилик вакиллари орасидан каммида саккиз нафар аъзодан иборат таркибда тузилади. Жамоатчилик вакиллари комиссия аъзолари умумий сонининг ярминини ташкил этиши керак.

Учинчидан, жазо муддатини ўташ давомида маҳкумларнинг шахсий ҳафсизлигини таъминлашга қаратилган чоралар кенгайтирилди. Ҳусусан, янги норма билан маҳкум қилинган шахснинг ҳафсизлигига таҳдид юзгага келган тақдирда, у ўз шахсий ҳафсизлигини таъминлаш тўғрисидаги ариза (хабар) билан жазонинг ижро этиш муассасасининг ёки органининг ҳар қандай ходимига орқали ёки ёзма равишда мурожаат қилишга ҳақлиги ифодасини топиши. Шунингдек, маҳкумнинг аризаси (хабари) олинishi ҳамоно эътибор билан шахсий ҳафсизлигини таъминлаш чоралари кўрилиши шартлиги киритилди.

Тўртинчидан, маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида уларни тинув қилиш вақтида жисмоний куч ва махсус воситалар асосида қўланилишининг олди олинди.

Бешинчидан, маҳкумларнинг учрашувлари ва телефон орқали сўзлашувларини кўпайтириш ҳамда видео-учрашувлар билан алаштириш тизимини жорий этилди. Ҳусусан, маҳкумнинг илтимосига кўра узоқ муддатли учрашув қисқа муддатли учрашувга ёки масофали видео-учрашувга ёхуд телефон орқали сўзлашувга, қисқа муддатли учрашув эса, масофали видео-учрашувга ёки телефон орқали сўзлашувга алмаштирилиши мумкинлиги киритилган.

Қисқача айтганда, ушбу Қонун маҳкумларнинг қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, ўз навбатида, жазонинг ижро этиш тизимида шахсини ахлоқан тузатиш ва жамиятга ижтимоий мослашувини таъминлашга хизмат қилади.

Фарҳод БОҚИЕВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Эхтиром

Президентимиз ташаббуси билан пойтахтимизда Адиблар хиёбони бунёд этилиб, у ерга ардоқли шоир ва ёзувчилар, адабиётшунослар хайкаллари ўрнатилдики, бу хайрли иш замирида халқимизни нафақат ушбу ижодкорлар асарлари билан ярқиндан таништириш, балки уларнинг ҳаёти ҳамда фаолиятидан ибрат олиб яшашга ундашдек эзгу мақсад-муддао ҳам мумкин.

Хиёбонда хайкали қад ростлаган сиймолардан бири шоира Зулфиядир. У ўзининг жозибали ҳаёти, ижоди ва жўшқин фаолияти билан ўзбек аёли тимсолига айланган.

Француз мутафаккири П. Бомарше-нинг «Табиат аёлга шундай дейди: урдасидан чиқсанг гўзал бўл, хоҳласанг оқла бўл, аммо идрокли бўлмаганг шарт», деган мулоҳазалари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Зеро, XXI аср аёли, фикримизча, айнан идрокли орқали замон билан ҳамонан ҳам гўзал ва оқила, жасоратли, шунингдек, миллати жонқуяри бўлмоғи даркор. Ўзбекистон диёрида бундай аёллар кўпайиб бораётган, уларнинг асарияти бугунги замонда қизларимиз учун намуна ҳисобланади.

Миллий фольклор, жаҳон адабиёти ва мумтоз шеърят билан яхши танишиш ҳамда уларни тафаккурида уйғунлаштириш орқали ёш Зулфия ўзига хос, бетакор ижодкор бўлиб етишди. 1932 йили илк шеърини тўплами «Ҳаёт варақалари» нашр этилганда, у эндигина ўн етти баҳорни қаршилаган эди. Китобчанинг сўзбоши муаллифи Насрулло Охундий «замонамизнинг ёш умидли шоираси — Зулфия ўзбек қизлари ичида адабиёт фронтига дадил қадам ташлагани ҳолда, унинг мумтоз бир шоира бўлиб етишишига шубҳасиз йўқ, албатта», деган башорати йиллар оша ўз тасдиғини топди ва шоира XX аср ўзбек шеърятини онахони деб тан олинди, десак, муболага қилмаган бўламай. Зеро, у аёллар номидан ўз замондошларининг руҳий бойлигини, интилиш ҳамда кечинмаларини давр ҳаётининг барча мураккаблиги ва зиддиятлари билан ифода қилди.

Шубҳасиз, Зулфия юқсак шеърини истедод соҳибиди. Ўз ижоди давомида 40 дан ортқ шеърини тўпламларини нашр эттирди. Шоиранинг кўплай шеърлари ўнлаб халқлар, жумладан, инглиз, француз, немис, хинд, хитой, араб ва бошқа тилларга таржима қилиниб, ўзбек адабиётининг дунёга танилишига улкан ҳисса қўшди. Зулфия фақат шоирагина эмас, балки моҳир таржимон, публицист, журналист, муаллифи, Тағор, Лермонтов ҳамда бошқа машҳурлар ҳақида илмий мақолалар ёзган олим ҳамдир. У Нодирабегим ижодини кунт билан ўрганаётган экан, ўтмиш шоирларини ўз оруз-умидларини асарларида баён этган, деган хулосага келади. «Аё, сен нақадар дилбар шоирасан... эй, Нодира, Маҳзун, Увайсий онахон шоирларимиз. Сизнинг авлодларингиз сизинг овозингизни, умидларингизни олиб юратти ўз асарларинда», дея ёзган эди Зулфия ўзининг «Аланга» мақоласида. Беларусь шоираси Эди Огнецвет «Зулфия чиройли қалб эгаси, лирик каси ҳассос, фалсафаси доно бир одам. Унинг руҳий гўзаллиги ишларидан ва фикрларидан барқ уриб турибди», деб ёзганда нақадар ҳақ эди. У миллатининг куйчиси, гўзал, оқила, муҳаббатли, вафодор аёл, фаол жамоат арбоби ҳамда буюк иқтидор соҳибиди тимсолиларини ўзида мумжасам этган шахс эканлигини исботлай олди. Шоиранинг шоғирди Раҳима Шомансурнинг «Устозимиз истедоди шундай буюк уммонки, ундан биримиз ёниқликни, биримиз ҳассосликни, биримиз жасоратни, биримиз энгувчилликни, биримиз рост-гўйликни, биримиз қатъиятни, биримиз фидойилликни, биримиз меҳри-дарёликни олдик», деган эътирофи Зулфия тимсолига чизилган янада бойитилади. У ўз шоғирларига талабчанлик баробарида, онадек куюнчак, бировларнинг ютуғидан қувонадиган, ҳасадни билмайдиган самимий ва беғубор инсонлар тоифасига мансуб эди.

Барҳаёт Зулфия



Хосен ПАЙДОЕВ олган сурат.

Зулфия ташаббуси билан «Саодат» журнали саҳифаларида «Қизлар дафтарида» деган махсус рунк очилиб, у Ўзбекистон микёсида қизлар мушоирасига айланади. Мазкур саҳифаларда неча-неча ёш истедод соҳибалари ўзларини намён этдилар. Зулфиянинг сўзлари билан айтганда, «шеърини асарини умри худди уруғининг умрига ўхшайди. Дастлаб у фақат, кузатиш, ҳали фикрга айланмаган ҳиссиёт-у, ҳали ҳиссиёт турғунлигини, умидларинингизни олиб юратти ўз асарларинда», дея ёзган эди Зулфия ўзининг «Аланга» мақоласида. Беларусь шоираси Эди Огнецвет «Зулфия чиройли қалб эгаси, лирик каси ҳассос, фалсафаси доно бир одам. Унинг руҳий гўзаллиги ишларидан ва фикрларидан барқ уриб турибди», деб ёзганда нақадар ҳақ эди. У миллатининг куйчиси, гўзал, оқила, муҳаббатли, вафодор аёл, фаол жамоат арбоби ҳамда буюк иқтидор соҳибиди тимсолиларини ўзида мумжасам этган шахс эканлигини исботлай олди. Шоиранинг шоғирди Раҳима Шомансурнинг «Устозимиз истедоди шундай буюк уммонки, ундан биримиз ёниқликни, биримиз ҳассосликни, биримиз жасоратни, биримиз энгувчилликни, биримиз рост-гўйликни, биримиз қатъиятни, биримиз фидойилликни, биримиз меҳри-дарёликни олдик», деган эътирофи Зулфия тимсолига чизилган янада бойитилади. У ўз шоғирларига талабчанлик баробарида, онадек куюнчак, бировларнинг ютуғидан қувонадиган, ҳасадни билмайдиган самимий ва беғубор инсонлар тоифасига мансуб эди.

Зулфия даврнинг фаол жамоат арбоби ҳам эди. Кўплай давлат мукофотлари совриндори, депутат, халқаро тинчлик учун кураш ҳамда адабий ҳаракатларнинг иштирокчиси бўлди. 1956 йили Дехлида ўтказилган Оснэ ва Африка ёзувчиларининг халқаро анжуманида нутқ сўзлади. Ёш ўзбек аёлининг мафтункор куйфаси, нафис овози, ўзига хос шарқона ибоси барча иштирокчиларни ҳайратлангирини табиий. Чунки бу нутқ шундай гўзал ҳамда жўшқин эдики, ундан таъбирланган туркман шоири Қора Сейтйилев махсус «Зулфия сўзлари» шеърини ёзган эди. Айнан Хиндистонда бўлган сафаридоги учрашувлардан иҳомланган Зулфия ўзининг «Мушоира» шеърини битди ва бу шеъри унинг оламга машҳур бўлишида катта ҳақият касб этди. «Жавоҳарлал Неру», «Нилуфар» халқаро мукофотлари, «Кирилл ва Мефодий» ордени билан тақдирланди.

У кўплай хорижий сафарларда бўлди. Ўзбекиона одамийлик ҳамда бағрикенглик хислатларига эга шоира бошқа миллат вакиллариини ўзига яқин олиб сўхлатлашар, бу учрашувларда расмий эмас, балки инсоний муносабатлар ўрнатишга ҳаракат қиларди. Зулфия ҳар дам, ҳар вақт ўзбекиона миллий қадриятлари, урф-одатларни ҳурмат қилган, ардоқлаган. Унинг сценарийси асосида суратга олинган «Ўзбек атласи» рангли жужатли фильмида халқнинг сеvimли миллий матоси, унинг пайдо бўлиши ҳақидаги воқеалар шундай чиройли ривоят тарзида баён қилинадики, томошабин ўз-ўзиндан атласнинг ранг-баранг ва ёрқин бўёқларида она табиат гўзалликлари жилосини мужасам этганлигини ҳис қила олади.

Умуман, Зулфия ўзбек қизлари учун ибрат бўла оладиган ҳаёт кечирди ҳамда давр билан ҳамқаддам яшайди. Лекин бу мураккаб ҳаёт қалби ўз халқи ва Ватанига меҳр-муҳаббат билан тўлиб-тошган, дунёдан эзгулик ва гўзаллик излаб яшаган бу аёлни ҳамма вақт ҳам аягани йўқ. Албатта, таҳликали давр шоирани ўз синови-дан ўтказди. Совет даврининг қатағон сиёсати унинг оиласи тақдирини ҳам аянчи из қолдирган эди. Шоира туғилган акасининг қатағонга учрагани, бу йилларда унинг оиласига нисбатан бўлган адолатсизликлар ҳақидаги фактларни ижодининг сўнгги йилларида яратган «Хотирам синиклари» достонида очиқ айта олди.

Акс садо

Дарҳақиқат, минг йиллардан бери қон-қариндош, қўни-қўшни бўлиб яшаб келаётган ўзбек ва қирғиз халқларидан чиққан улғур инсонлар, олим ҳамда зиёлилар ўлкамиз аҳолисини ортдан эргаштириб, ўзаро иноқликни, ҳам-жаҳатликни таъминлаб келган. Икки қардош халқ мустабид тузум даврида бир диний идора тасарруфида эди, илму толибларимиз заминимиздаги илм даргоҳларида бирга таълим олишган. Мақсадбек Токтамушев ҳазратлари шу ҳақда тўхталиб, жумладан, бундай дейди: «Илгари муфтиятимиз битта эди. Тошкент, Бухоро сингари шаҳарлар бизнинг ота-боболаримиз учун ҳам маърифат ва маънавият уюғи бўлган, шу ердаги мадрасаларда улар исломга оид таълим олганлар. Эндиликда биз ўз мамлакатимизда диний таълим муассасаларини очиниш режалаштирар эканмиз, албатта, ўзбек заминидоги ўқув даргоҳлари билан ҳамкорлик қиламиз, деган умиддамиз».

«Абдуллоҳ ибн Салом» маскидида учрашув бўлди. Унда икки қардош давлат вакиллари маърифий сўхбат ўтказди. 26 июнь куни Қирғизистон Республикаси делегацияси аъзолари Фаргона вилоятининг Сўх туманида кутиб олинди. Дастлаб тумандаги Маданият марказида икки давлат уламолари маҳаллий аҳоли билан учрашди. Унда икки қардош халқ ўртасидаги кўп асрлик ўстлик, яхши қўшничилик муносабатлари йилдан-йилга ривож топиб бораётгани, муборак динимизда қўшничилик ришталарида алоҳида эътибор берилгани Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифлар асосида баён қилиб берилди. Қисқача айтганда, Ўзбекистон делегациясининг Қирғизистонга, қирғиз вакиллариининг юртимизга сафари ўзаро қардошлик ва қўшничилик алоқаларини янада мустаҳкамлади. Маърифий учрашувлар давомида маҳаллий халқ вакиллари катта маънавий озуқа олганликлари, қўшнилариини четдан келиб ҳеч ким тотув қилиб қўймадлиги, балки икки давлат раҳбарлари, уламо ҳамда зиёлиларининг изидан эргашиб, ҳамжиҳатли бўлишлари лозимлигини тушуниб етганларини таъкидлади.

Дарҳақиқат, динимиз арқонларига оғишмай амал қилсак, аҳил-иллимизни ёвуз кучлар бузолмайди. Зеро, ислом тинчлик-хотир-жаҳамликка, эзгулик йўлида ўзаро ҳамкор бўлишга чорлайди. Аллоҳ таоло халқларимиз дўстлигини абадий, тинч-хотиржам дўстлигини давомли қилсин!

Ҳомиджон ИШМАТБЕКОВ, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг биринчи ўринбосари.

ЭЪЛОН

SARMOYADORLAR DIQQATIGA!

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 23-iyundagi «Tashkent International University of Education» xalqaro universitetini tashkil etish to'g'risida»gi 404-sonli qaroriga muvofiq

Xalq ta'limi vazirligi

xalq ta'limi sohasida

«Tashkent International University of Education» xalqaro universitetini tashkil etish maqsadida hamkorlikka chaqiradi.

Hamkorlik obyekti:
Toshkent shahar, Yashnobod tumani, Tuzel-2 mavzesida joylashgan O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligiga qarashli qurilishi tugallanmagan bino va inshootlar tegishli hududi bilan birga «Tashkent International University of Education» xalqaro universitetini joriy etish maqsadida investitsiyaviy va ijtimoiy majburiyatlarni bajarish sharti bilan «no!» xarid qiymatida beriladi.

Investitsiyaviy va ijtimoiy majburiyatlar:
Potensial investorga quyidagi majburiyatlar yuklanadi: o'z mablag'larini hisobidan Universitetning faoliyatini moliyalashtirish, obyektlarni rekonstruksiya qilish, kapital ta'mirlash, jihozlash va foydalanishga topshirish, shuningdek, ularga tegishli hududni obodonlashtirish;

Universitet tomonidan belgilangan qabul parametrlari doirasida O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligi hamda Vazirlar Mahkamasini huzuridagi Prezident, ijod va ixtisoslashtirilgan maktablarni rivojlantirish agentligi buyurtmasiga ko'ra «The Times Higher Education World University Rankings» reytingidagi dunyoning 1000 talikka kiruvchi xorijiy oliy ta'lim muassasalari dasturlari asosida imtiyozli grantlar ajratish yo'li bilan tegishli yo'nalishlar bo'yicha mutaxassislarini tayyorlash va qayta tayyorlashni amalga oshirish;

Universitetga berilayotgan obyektida ta'lim xizmatlari ko'rsatish yuzasidan faoliyatni amalga oshirish.

Universitetda o'qitish O'zbekiston Respublikasi davlat ta'lim standartlari talablarini

inobatga olgan holda, Universitet va uning xorijiy hamkori tomonidan tasdiqlanadigan o'quv rejalari va dasturlariga muvofiq to'lov-shartnoma asosida amalga oshiriladi.

Investorlar tomonidan qiziqish bildirilganda taqdim qilinadigan hujjatlar ro'yxati:
yuridik shaxs davlat ro'yxatidan o'tganligi to'g'risidagi guvohnoma nusxasi;
«Tashkent International University of Education» xalqaro universitetini tashkil etish va rivojlantirish konsepsiyasi;

Universitet tashkil qilish uchun ajratilayotgan Toshkent shahar, Yashnobod tumani, Tuzel-2 mavzesida joylashgan O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligiga qarashli qurilishi tugallanmagan bino va inshootlarni ta'mirlash-tiklash bo'yicha planshet yoki prezentatsiya, amalga oshirilishi rejalashtirilayotgan investitsiyalar miqdori hamda ularning mavjudligini tasdiqlovchi bank hujjatlari bilan birga;

«The Times Higher Education World University Rankings» reytingidagi dunyoning 1000 talikka kiruvchi xorijiy oliy ta'lim muassasalari orasidan hamkorlik qilish rejalashtirilayotgan OTM nomlari, aloqa xatlari yoki boshqa turdagi kelishuv hujjatlari;

O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligi hamda Vazirlar Mahkamasini huzuridagi Prezident, ijod va ixtisoslashtirilgan maktablarni rivojlantirish agentligi buyurtmasiga ko'ra imtiyozli grantlar asosida tayyorlanadigan mutaxassislar miqdori, muddati va shartlari bo'yicha taklif.

Muddatlar:
Hamkorlik qilishni istagan sarmoyadorlar 2020-yilning 31-iyul kuniga qadar quyidagi manzil bo'yicha o'z takliflarini taqdim etishlari mumkin:

O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligi, 100187, Toshkent shahri, Navoiy ko'chasi, 2a-uy.

Ushbu takliflarning har bir varagi taklif beruvchining imzosi va muhri bilan tasdiqlangan, to'liqligicha yopilgan konvertlarga joylashtirilgan bo'lishi shart. Ochiq konvertlarda berilgan, muhr va imzolar bilan tasdiqlanmagan yoki qisman tasdiqlangan takliflar ko'rib chiqilmaydi.

Bog'lanish uchun:
Adham Gafurov, telefon 99-833-03-18.
Elektron pochta manzili: ipu@itsm.uz

* Loyiha bo'yicha ma'lumotlar O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 23-iyundagi «Tashkent International University of Education» xalqaro universitetini tashkil etish to'g'risida»gi 404-sonli qarorida ko'rsatilgan.

Ушбу жойда **Сизнинг** рекламнигиз бўлиши мумкин эди!

Манзил: Тошкент ш., Матбўтчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamaxs@mail.ru, reklama@xs.uz

<p>“Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари ижодий жамоаси Бош муҳаррир ўринбосари Шухрат Жабборовга онаси</p> <p>Мақсад ая ЖҲРАЕВанин вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси Қўмита аъзоси А. Хурсановга онаси</p> <p>ХАЛИМА аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати девони Олий Мажлис Сенати девонининг маъсуъл ходими Н. Кабуловага падари музруковри</p> <p>КАРИМБОЙ отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.</p>
---	--	--

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 756. 33 976 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишидан нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тахриратта келган қўлаб-маълумотларни тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўхбат берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета тахрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси маъсуъл. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбўтчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Содиқов.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 22.05 Топширилди — 03.15 1 2 3 4 5 6